



Тарихда Хива хонлиги деб номланган Хоразм хонлиги рус истилосидан аввал Туркистоннинг энг кучли давлатларидан бири эди. Туркистоннинг энг эски маданий ўчокларидан бири ўларок бу хонлик теурийлар даврида бир неча бор мустикалликни кўлга киритган эди.

Хоразм 1505 йилга кадар теурий Хусайн Бойкаронинг нуфузи сохасига дахлдор эди. 1505 йилда Шайбонийхон Хоразмнинг бошкенти Урганчни забт этиб, Хоразмни ўз салтанатининг бир парчаси деб тушунди. Шайбонийхон ўлимида сўнг Хоразмни Эрон шохи Исмоил ишгол этди, факат Туркистоннинг бу кисмига узок муддат хоким бўла олмади. 1511 йилда Хоразм ўзбеклари Эронга карши кўзгалдилар ва Вазир шахрида Илбарсни хон этиб сайладилар. Бироздан сўнг Урганч ва Хива хукмдорлари хам Илбарснинг хонлигини тан олдилар. 1593 йили бухоролик II Абуллахон Хоразмни забт этиш билан бу мустикалликни тугатди. Факат 1598 йилдагина Хоразм мустикалликни яна кўлга киритди.

XVII юзийлликнинг бошларида Хоразм хонлигининг ерлари Амударёнинг куйи окимида

Хуросон (масалан, Копедтог) ва Мангишлокка кадар чўзилган ўлкада майдонга келганди(Ўзбекистон ССР тарихи, 465-6.). Тахминан 1615 йилда Хива Хоразмнинг бошкенти бўлди. Абулгози Баходирхоннинг ҳокимиятга келгунига кадар (1644 - 63) Хоразм казак-ларининг босқинига қарши ўзини мудофаа қила олиш имконига эга эди. Абулгози отаси Араб Муҳаммадхон (1603 - 1621) мероси учун биродарлари (Исфандиёр. Хабаш, Илбарс, Шариф Муҳаммад, Хоразмшоҳ ва Афғон) билан тахтга эришиш ниятида бошланган урушда 20 йилдан сўнггина голиб чиқди. Абулгози Хоразмнинг мустақиллигини сақлаб қолишда гайрат кўрсатди. Яна бир муҳим хизмати шундаки, Туркистон тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлган «Шажараи Тарокима» асарини ёзди(Абулгози ҳақида қаранг. Бартольд II, 273-274 б; Родословная Туркмен (Қононов А. Н. Ношир) Москва-Ленинград, 1958, 3-32-6: «Шажараи тарокима»нинг таржималари ва тадқиқотлари ҳақида. 181-190-бетлар.).

Абулгозининг фарзанди ва меросхўри Анушахон (1663-1687) Бухоро шайбонийларига қарши 1681 -1685 йилларда уч марта юриш қилишга жўр'ат этди. Хатто Самарқанд ва унинг атрофини ишғол этди. Аммо шайбонийларнинг қарши ҳужуми оқибатида ишғол этган ўлкаларни тез фўрсатда тарқ этишга мажбур бўлди. Бу сафар ташаббусни Бухоро кўлга олиб, 1687 йилда Субҳонқулихон Хоразмни ишғол этди. Бухоро шайбонийлари Хоразмга ўз давлатининг вакили Шох Ниёз эшик оғасини тайин этдилар, лекин у Бухоро ра'йига бўйсунмаган мустақил сиёсат олиб борди. Шох Ниёз Русия подшоҳи I Пётр билан алоқа боғлади. I Пётр Хоразмни ҳимояси остига олганлигига доир 30 июнь 1700 йилда фармон чиқарди, факат бунинг ҳеч қандай бир натижаси бўлмади(Хивалик Анушахон билан шайбонийлар сулоласидан Бухоролик (Абдулфайзхон) ва Субҳонқулихон орасидаги тўқнашувлар ҳақида янги манбалар: М. А. Салахутдинова, Походът Анушахона на земли Бухарского ханства. «Ближний и Средний Восток», Москва, 1968, 123-133-бетлар.).

Араб Муҳаммад (1702 - 1717) Хоразмни Бухоро ҳукмронлигидан қутқаришга муваффақ бўлди. Унинг вориси Шергози (1715 - 1728) эса I Пётр нинг 1717 йилда Хивага қилган ҳарбий юришидан сўнг русларга интилиш қайфиятига қарши қураш сиёсатининг ташаббусқори бўлди. Шергози Русиядан юборилган отрядни 1717 йили тўлиқ қириб ташлади. Бундан кейин Хоразм 156 йил давомида Русия кўзини тиккан макон бўлиб қолди. Зеро, руслар ўзлари сабабчи бўлган ўша воқеаларни унутишни истамас эдилар. Хоразм хонлиги ҳам ички ғавғолардан ўзини қутқара олмади. 1757 йили Абдуллоҳ (Қорабек деб ҳам номланади) Хоразм хони бўлмиш биродари Гойибхонга қарши отланди ва уни тахтдан туширди. 1763 йилда Хоразм хони Темури Гўзихон ўлдирилди ва 1770 йилда ёвмудларнинг кўзғолони бошланди.

1740 йилда эронлик Нодиршоҳ Хоразмга юриш қилди. Хоразм хони Илбарс (1728 - 40) мамлакат ҳимоясига отланган бўлса ҳам Ҳазораспда ва Хонқада мағлубиятга учради. Хоразм билан Эрон орасида муҳорабалар давом этаётган бир пайтда Қичик Юз хони Русиянинг гижгижлаши ва ёрдамида 1740 йили Хивани ишғол қилди(Василевский. Очерки историко географических... 158-160-6.).

Абулхайрхон Нодиршоҳдан кўрққанлиги учун Хивани тарқ этди. Хива халқи Нодиршоҳдан омонлик сўрашга мажбур бўлди ва 1740-1747 йиллар орасида Эроннинг ҳокимияти остида қолди. Сўнгра 1747 йили Гойиб Хоразм хони деб эълон қилинди. Бу хон 1757 йилга қадар Хоразм давлати бирлигини янғидан ташқил этишга ва қучайтиришга ҳаракат қилди.

1763 йилда Темуригўзихон ўлдирилгандан сўнг манғит, қипчоқ ва қўнгирот уруғлари

орасида салтанат гавгоси бошланди. Бу низолардан сўнг Мухаммад Эмин Инок(Spuler, Yeschichte...- 283-284-бетларга кўра «инок» харбий кўмондон маъносини ифодалайди. Бу сўз уруғ оксоколи маъносини ҳам ташиши мумкин. Иноклар ўзига хос давлат шўроси бўлиб, Хоразм хонлари доирасига мансублар хисобланган. Хон қарор чиқаришда иноклар билан маслахатлашарди. 1763 йилдан кейин Мухаммад Амин инок шахсан ўзи бошқарадиган «Инок шўроси» (кенгаши) ташкил этди. Бу кенгашга иноклар, кушбеги (бошнозир), мухтор (молия вазири ва оталиклар (Хоразмда харбий кўмондонлар оталик дейиларди) мансуб эди. «Инок» унвони Хоразмда «хон» унвонидан кейин иккинчи мавқели унвон эди. XIX аср ўрталарида иноклар ўз салоҳият ва мавқеларини бой бериб кўйдилар. Ўшандан бошлаб хоннинг махсус вакил (мухтор вакили) унвонини оладиган бўлишди. Бу унвон хон томонидан махсус икки ёки уч кишигагина бериларди. Уруғ бошликлари эса энди ўзларини инок деб кўрсата бошладилар, қаранг: «История народов Узбекистана, II., 70, 100-101,126-127,153-бетлар.) (1790-йил вафот этди). раҳбарлигидаги кўнгирот уруғи қолиб қолди. Бу воқеалардан кейин мангит хонадонининг салтанати тугаб, Кўнгирот хонадони даври бошланди(Хонлиқнинг мангитлардан кўнгиротларга ўтиши ҳақида қаранг: Бартольд. II, 283-284-6; П. П. Иванов, Архив хивинскихханов., 9-6.). Мухаммад Эминхоннинг ўғли Авазбек (1790 - 1804) янгида «хон» унвонини олди. Бу хонадон 1873 йилга қадар мустақил, 1873 йилдан 1920 йилга қадар русларнинг қўл остида Хоразмнинг тақдирини белгилади. Авазхондан сўнг кўнгирот хонадонидан ўн бир хон чиқиб, булардан уч нафари Русия ҳокимияти остида ҳукм сурди. Хоразм Русия аскарларининг илғор қисми ҳужумидан анча илгари ички низоларни бартараф этиш билан машғул эди. 1866 йил ҳам хонлиқ аскарлари ёвмудларнинг исёнини бостириш билан машғул бўлишга мажбур эдилар(Иноклар давридан сўнг ҳукм сурган хонлар қуйидагилар: Аваз (1790 - 1804], Элтузар (1804 - 1806], Мухаммад Раҳим (1805 - 1825], Оллоқули (1825 - 1842], Раҳимқули (1842 - 1846]. Мухаммад Амин (1845 - 1855], Абдуллох (1855 йил март - сентабр), Қутлуг Мурод (1855 сентабр 1856 йил феввали), Саид Мухаммад Раҳим (1856 -1864]; Саид Мухаммад Раҳим Баходур (1864 -1910]; Исфандиёр (1910 - 1.X.1918] ва Абдуллох (1918 - 30.IV.1920], Қаранг: Mary Holdsworth Turkestan in the Nineteenth century, London-Oxford, 1959,1-6.). Рус истилоси буюк бир ўтмишга эга, Туркистоннинг бир давлати бўлган Хоразмнинг ички сиёсати заиф, ташки сиёсатида яққаланиб қолган бир даврига тўғри келди(Русия босқини бошланмасдан аввалги Хоразм хонлигидаги ички зиддиятлар ҳақида тўлиқ маълумот учун қаранг. Материаль; по истории туркмен и Туркмении П-ж., ношир А. Боровков, Москва -Ленинград, 1938 йил, 611-638-бетлар.).

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан